Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 73 (21. 192) 1992 йил 11 апрель, шанба

БАҲОСИ 1 СЎМ.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони

Саудия Арабистонига ташриф

Тошкент. 11 апрель. Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Саудия Арабистони подшолигига жўнаб кетди. Ислом Каримов ва делегация аъзоларини Тошкент тайёрагоҳида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Дўстлик ришталари мустаҳкамланади

Саудия Арабистонига бораётганлар орасида Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасининг раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам бор. У киши мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Мустақил Ўзбекистонимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Саудия Арабистони подшоси Фаҳд ибн Абдул Азиз таклифига биноан бу мамлакатга йўл олмоқда. Иккала давлат раҳбарлари ўртасида биринчи ва қутлуғ учрашувларга катта аҳамият берилмоқда. Бу учрашувларда келгусидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ишларининг мустаҳкам пойдевори яратилади. Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали —бу одамлар билан дўстлашишдир. Ушбу сўзлар ҳадисларда битилган. Ишончим комилки, делегациямиз аъзолари ана шу ҳикматли сўзларда зикр этилган олижаноб фикрларга содиқ бўлиб қоладилар.

Саудия Арабистони мамлакати жаҳон мўмин мусулмонларининг мўътабар ва муқаддас диёри. Макка ва Мадина шаҳарлари эса ислом оламининг бешиги бўлиши билан бирга муқаддас зиёратгоҳлардир. Кейинги пайтларда мустақил Ўзбекистонимиз ва Саудия Арабистони ўртасидаги яқин дўстлик алоқалари ғоятда ривожланиб боражагига умидимиз катта.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги давлат делегациясининг Саудия Арабистонига ташрифи муносабати билан Мовароуннаҳр мусулмонлар идораси раисининг муовини Зоҳиджон Отахон ўғли Қодиров билан суҳбатлашдик:

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим! Саудия Арабистони Форс кўрфазидаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг биридир. У ўзининг ҳад-ҳудудсиз нефть бойликлари билан жаҳонга машҳур. Мамлакатни подшоҳ бошқаради. Бу ерда барча жабҳалар хусусийлаштирилган. Саудия Арабистони жаҳон мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳидир. Ўрни келганда муслиму муслималар тупроғини кўзига тўтиёдек суртадиган, пайғамбаримиз Муҳаммад Аллайҳиссалом яшаган, Қуръони карим ва Ваҳий нозил бўлган Маккаи мукаррамани, Мадинаи Мунавварани яна бир бор эслаб ўтишни хоҳлардим. Кейинги йилларда сиёсат тубдан ўзгаргани, Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритгани шарофати билан биз мусулмонларнинг кўкрагимизга ҳам шамол тегди. Собиқ Совет Иттифоқи мавжуд бўлиб, Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида бевосита муносабатлар йўлга қўйилмаган ўша йилларда ҳам бизнинг диний алоқаларимиз узилмаган эди. Биз «Робитатул олами исломий» диний уюшмаси орқали бирбиримиз билан доимий алоқа қилиб турдик.

1974 йилда имом Бухорий муборак таваллуди маъракаси нишонланиб, бу маросимга мазкур Робита бош котибининг муовини Тақво Амин келган эдилар.

Иншооллоҳ, биз диндорлар учун дориламон замон келди. Алоқаларимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Агар 1990 йилда Ўзбекистондан 350 киши, Ўрта Осиёдан 500 киши ҳажга сафар қилган бўлса, 1991 йилда ўзбекистонлик зиёратчилар 1700 нафарга етди, Ўрта Осиёдан ҳажга борганлар эса 2 минг кишини ташкил этди.

— Саудия Арабистонида ўзбек муҳожирлари кўплиги ҳаммамизга маълум...

— Тўғри айтдингиз, бу мамлакатда 200—300 минг атрофида ўзбеклар яшайди. Уларнинг ҳаммаси бекамукўст рўзғор тебратиб, осойишта ҳаёт кечиришмоқда. Улар орасида давлат арбоблари, тижоратчилар, муҳандислар, ҳарбий мутахассислар ҳам бор. «Робитатул олами исломий» уюшмасининг бизнинг ўлкалар бўйича масъул арбоби генерал Қамол Сирожиддин шулар жумласига киради. Ёки Муҳаммад Амин Тошкандийни олайлик. У ҳаво йўллари соҳасидаги мутасадди кишилардандир. Ўзбекистонимизга ҳам келиб кетган.

— Саудия Арабистонида таҳсил олаётган фарзандларимиздан хат-хабар келиб турибдими?

— Уларнинг аҳволидан бот-бот хабардор бўлиб турибмиз. Маккаи Мунаввара да бизнинг илм толиблари учун махсус гуруҳ ташкил этилган. Мамлакат ҳукумати катта ғамхўрлик кўрсатиб, уларга сарфланадиган харажатларнинг ҳаммасини ўз зиммасига олган. Сўнгги хабарларга қараганда, улар ўқиётган даргоҳларнинг мударрислари ҳам, мутасаддилар ҳам фарзандларимизнинг ўқиши, хулқи-одобидан ниҳоятда мамнун эканлар.

— «Робитатул олами исломий» уюшмаси ватанимизда масжидлар қурилишига катта ёрдам бераётганини ҳам эшитгандик.

— Дарвоқе, ана шу уюшма бош котиби доктор Абдуллоҳ Умар Насиф 1989 йилда илк бор ўлкамизга ташриф буюрди. Ана ўшандаёқ янги қурилаётган масжидларга моддий ёрдам кўрсатилганди.

— Энди давлатлар ўртасидаги алоқалар ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилмоқда.

— Тўғри айтасиз, кейинги йилларда Саудия билан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқалар ривож топмоқда. Яқиндагина Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал Файсал ал Сауд юртимизга ташриф буюрганини ҳаммамиз биламиз. Дини идорамизда ҳам у билан учрашиб суҳбат қурган эдик. Икки мамлакат ўртасида дипломатия, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилиши ҳақида суҳбат бўлганди. Бундан ташқари айрим корхоналар, уюшмалар, олий ўқув даргоҳлари ўртасида ҳам бевосита алоқалар йўлга қўйилмоқда. Биз Президентимиз Ислом Каримовнинг ташрифлари туфайли алоқаларимиз янада гуркираб ривожланишини оллоҳ таолодан илтижо қилиб сўраб қоламиз.

Суҳбатдош — ЎзА махсус мухбири Баҳодир АБДУЛЛАЕВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАР АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ошиб, кредит маблағлари тақчиллашиб бораётган шароитда республика халқ хўжалигининг бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, кўпчилик корхоналар ва ташкилотларнинг тўловидаги ўткир тангликни ва уларнинг ҳисоб-китобларидаги кескинликни бартараф этиш, кўкламги дала ишларини ўз вақтида ўтказиш ҳамда аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат банкига устивор тармоқларни, аввало деҳқончилик-саноат мажмуини, саноат, қурилиш, савдо ва таъминловчи-сотувчи ташкилотларнинг базавий тармоқларини кредит билан таъминлаш учун қатъий талабларга риоя этилган ҳолда аниқ мақсадни кўзлаб 9 миллиард сўм ҳажмида қўшимча кредит маблағлар ажратиш тавсия қилинсин.

Мазкур кредит маблағлар меёридан ташқари, ортиқча заҳираларни сотишдан, товар-моддий бойликларни қайта баҳолашдан ва ҳисоб-китоблар муддатини қисқартиришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига 5 миллиард сўм ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банкига 4 миллиард сўм берилсин.

Биринчи навбатда республиканинг маҳсулот етказиб берувчиларига қарзни узиш учун ҳақ тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. Иш ҳақини тўлаш ва етказиб берилаётган техника, товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ҳамда қишлоқ хўжалигига кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ҳақини тўлашга Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки аниқ мақсадни кўзлаб 2,1 миллиард сўмгача, деҳқончилик-саноат мажмуининг қайта ишлаш тармоқларига — 0,5 миллиард сўм, матлубот кооперациясининг ташкилотларига —1,0 миллиард сўм, таъминлаш-сотиш ташкилотларига —0,7 миллиард сўм, қурилиш ташкилотларига — 0,7 миллиард сўм кредит берсин.

3. Ўзбекистон саноат-қурилиш банки 4 миллиард сўм миқдорида, шулардан: савдо ташкилотларига 1,3 миллиард сўмгача, «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига — 0,5 миллиард сўм, химия саноати, машинасозлик ва металлургия корхоналарига — 0,95 миллиард сўм, таъминлаш-сотиш ташкилотларига — 0,25 миллиард сўм, қурилиш ташкилотларига — 1,0 миллиард сўм кредит берсин.

4. Республика вазирликлари ва идоралари дебит-кредит бўйича қарздорликни текшириб тўғрилаш ва уни камайтириш борасида бир ой муддат ичида тегишли ишларни амалга оширишлари ҳамда ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов қобилияти қай ҳолатда эканлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари зарур.

5. Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки (Ўртоқ Аҳадов), Ўзбекистон саноат-қурилиш банки (Ўртоқ Азимов) ўзлари хизмат кўрсатаётган халқ хўжалик тармоқларининг банк кредитларига бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида аниқланишини таъминласинлар ҳамда маблағларни сафарбар этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Давлат банкига Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банки билан биргаликда ушбу қарорнинг бажарилишини ҳисобга олиб, халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисида шу йилнинг июль ойида республика ҳукуматига ахборот бериш таклиф қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

• БАҲОР: БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Ангор районидаги «Ангор» давлат хўжалиги сабзавоткорлари иссиқхонада етиштирилган карамларни уза бошладилар. Айни пайтда очиқ майдонларда ҳам карам парвариши қизғин. Бу экин 162 гектар майдонга экилган. Суратларда: 1. Акрам Шабиров ҳар гектар майдондан 20 тоннадан янги карам етиштиришни мўлжаллаган бригада бошлиғидир. 2. Механизатор Ғоччи Йўллиев.

И. ХУЖАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

• ХДП: партия ахбороти

АМАЛИЙ ИШЛАР ВАҚТИ

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг Сурхондарё вилояти бўйлаб сафари Шеробод райони бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан учрашувдан бошланди. Мулоқотда партия Марказий Кенгаши IV пленумни якунлари ҳамда ҳозирги сиёсий ва иқтисодий мураккаб вазиятда бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида атрофлича фикрлашув бўлди. Бу ҳақда М. М. Расулов ўз мулоҳазаларини айтди.

Суҳбат чоғида бошланғич ташкилотларнинг фаоллари республиканинг мустақиллик йўлига тушиб олганидан мамнунликларини, Президентимиз фармоналаридан қониқиш ҳосил қилаётганликларини билдирдилар.

— Айни пайтда ҳаётдаги бугунги муаммоларга биз эътиборсиз қараётганимиз йўқ, — деди учрашув иштирокчиси Ҳ. Абраматов. — Яқинда биз район матлубот жамиятининг фаолиятини ўргандик. Аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашда йўл қўйилган жиддий камчиликларни очиб ташладик. Ҳар бир салбий ҳолатга муносиб маъмурий баҳо берилмоғи керак. Ҳар жойда ҳақ қарор топсин, деймиз.

Район фахрийлар кенгаши раисининг муовини, кекса партия ходими Н. Жабборов айрим бошланғич ташкилотлар кундалик воқеаларга баҳо беришда лоқайдлик қилаётганлигидан, одамлар билан тил топишиб кетмаётганидан ташвишланиб гапирди. Қўл қовуштириб ўтиришни бас қилайлик, — деди у. — Энди ишлайдиган пайт келди. Ҳар бир бошланғич ташкилотдан, ҳар бир партия аъзосидан: «Сен одамлар манфаати учун нима хизмат қиляпсан?» — деб сўрашимиз лозим.

Эртаси куни М. М. Расулов Қумқўрғонда ХДП район кенгашлари биринчи котиблари билан суҳбатлашди. Суҳбатда дилдаги гаплар амалий ишчанлик тарзида очиқчасига айтилди. Ленин йўли ва Шеробод районлари, Денов шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари Э. Холиқов, А. Шайманов, Ж. Иброҳимовлар ХДПнинг нуфузини таъминлашдаги омилларга тўхталдилар.

— Ташкилий ва тарғибот ишларида интизомни мустаҳкамламоқ лозим, — деди Ж. Иброҳимов. — Ҳар қандай андоза чегарасида ўралашиб қолмасдан, ижодий ишлашга ўтамиз.

— Бизда меҳнат жамоалари, партия аъзолари ХДПнинг молиявий аҳволини ўнглаб олишга кўмаклашиш истагини билдираяпти, — деди Э. Холиқов. — Вазифамиз ҳаётдаги яхши ташаббусларни илғаб олиб, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликни яхшилашдир. Республика иқтисодиётида муаммолар кўпайиб бормоқда, уларни ечишга кўмаклашиш, қийин шароитда одамларга тўғри йўл кўрсатиш муҳим ишимиздир.

М. М. Расулов суҳбат иштирокчилари билдирган мулоҳазаларни шарҳлади, уларнинг саволларига жавоб берди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби вилоятдаги меҳнат жамоалари ва бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, учрашувларни давом эттирмоқда. Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Э. Тўрақулов, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. М. Менглиев ва бошқа ўртоқлар М. М. Расуловга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ҚИРМИЗИ ДОН»

МУҲИМИ—ИНТИЗОМ

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасидаги шоликор давлат хўжаликларида мўл ҳосил етиштирилди.

Хўжалигимиз шоликорлари ўтган йилни 14 минг тонна ўрнига 16 минг 600 тоннадан кўпроқ шоли етиштириш билан якунладилар. Давлатга 11 минг 200 тонна ўрнига 12 минг 300 тоннадан кўпроқ «қирмизи дон» сотилди. О. Жарлепесов, Т. Сапаров, З. Умрзоқов, К. Сейтмамутов бошлиқ бригадаларда 55,8-70 центнердан ошириб шоли етиштирилди. Шу бригадаларимиз ўтган йилги ютуқларини мустаҳкамлаб, бу йил ҳам гектаридан камида 65—70 центнердан ҳосил кўтариш учун тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Ўтган йили 5 миллион 200 минг сўм соф фойда олдик.

Иқтисодиётимизнинг ривожланишидан хўжалигимиз марказн, посёлкаларимиз ободонлашмоқда. Хўжалигимиз ичкарисидаги йўллар асфальтланди, табиий газ ўтказилди. Газлаштириш ишлари давом этмоқда. Турар жойлар берилмоқда. Клублар, ҳаммомлар, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи шоликорларимиз хизматида. Хўжалигимизда консерва цехи, ғишт цехи ишлаб турибди.

Бу йил камида гектаридан 42 центнердан ошириб шоли етиштиришга қарор қилганмиз.

Бозор иқтисодиётига ва эркин нарх-наволарга ўтилаётган бир пайтда қийинчиликларни айтавергандан кўра кўпроқ амалий ишга ўтишимиз керак. Қўлимиздаги озми-кўпми техникадан, эҳтиёт қисмлардан, ёнилғи мойлаш материалларидан оқилона фойдаланишимиз, оддий ишловчидан юқори хўжалик раҳбаригача меҳнат интизомига қатъий риоя қилган ҳолда иш кўришимиз керак.

Ерниёз ПАНАЕВ, Қораўзак районидаги «Маданият» давлат хўжалиги директори.

ЎЙЛАБ КЎРИШ КЕРАК

Кейинги йилларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар кўпайди. Вилоятимизда аҳолига 41 минг гектардан ортиқ экин майдони берилди. Бу қўшимча юз минг тонна мева, сабзавот, қовун-тарвуз, озуқа экинлари демакдир. Қишлоқ хўжалик корхоналари, шахсий томорқаларда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олиш, маҳсулотни омборларга ғамлаш ва кузгиш ойларида эл дастурхонига тортиқ этиш бизнинг вазифамиз. Ўтган йили бирлашмамизда 150 минг тоннага яқин мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрланди. Чунки, мева, сабзавот сақлаш омборларимиз етарли. Ҳозирнинг ўзида 200 минг тонна мева-сабзавот қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш имконимиз бор. Айни пайтда уларни қайта ишловчи олтита кичик корхонамиз ишлаб турибди.

Бу йил яна шунчаси ишга туширилади.

Халқимизни қишин-ёзин мева-сабзавот билан таъминлаш, деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотнинг республика эҳтиёжидан ортиқча қисмини қўшни давлатларга сотишда куч-ғайратимизни аямаймиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришни рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги қарори қишлоқ хўжалигимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлганлигини таъкидлаш лозим. Айни чоғда шу қарор асосида қўйи идораларда тузилган айрим норматив қоидалар хусусида мулоҳазаларимиз бор. Тез бузиладиган помидор, бодринг, карам, турп сингари маҳсулотларни четга сотиш учун олиб чиқишда чуқур ўйланмай тузилган қоидалар баъзан умумий ишга ҳалал ҳам беряпти.

Бир мисол. Фарғона вилоятида йилига қирқ минг тоннадан ортиқ турп етиштирилади. Шундан 10—15 минг тоннаси вилоят аҳолиси эҳтиёжлари учун кетади. Аввалларн ортиқча маҳсулотни Россия, Қозоғистон шаҳарларига жўнатар эдик. Аммо бу йил мана шу иш тўхтаб қолди. Сабаби, бирлашмамиз тайёрлов корхоналари турпнинг ҳар килограммини аҳолидан эллик-олтмиш тийиндан харид қилади. Республикадан ташқарига олиб чиқиш учун эса шу турпнинг ҳар килограмми учун 3 сўм 60 тийиндан пошлина тўлаш белгиланган. Натижада қўшни давлатлар харидорлари қимматлашиб кетган маҳсулотимизни рад этишяпти. Икки ўртада деҳқонга қийин бўляпти. Бодринг, помидор, карам ва ҳоказо резаворлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу масала хусусида жиддий ўйлаб кўриб, ўрганиб чиқиш керак.

Эркин ТОҲИРОВ, Фарғона вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва савдо қилиш бирлашмасининг раиси.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

● Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми якунлари ва бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя этиш бўйича партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов шу ҳақда қилган маърузасида Марказий Кенгаш IV пленуми партия ташкилотлари олдига қўйган вазифалар ҳақида батафсил тўхталди.

ХОЗИР вилоятимиздаги 800 дан зиёд бошланғич ташкилотлар ўз атрофига 21613 нафар Халқ демократик партияси аъзоларини бирлаштирган, — деб таъкидлади у. —Илгари ҳеч қандай сиёсий партияда бўлмаган 4163 нафар ёшларнинг Халқ демократик партияси аъзоси бўлгани янги сиёсий ташкилот аҳоли ўртасида тобора катта обрў-эътибор қозонаётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, вилоят партия ташкилотларининг меҳнаткашлар ўртасидаги мавқеи тобора ошиб бораётгани яққол сезилмоқда. Бунинг боиси шаҳар ва район кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари халқнинг турмуш даражаси ниҳоятда пасайган бир шароитда одамларга ғамхўрликни кучайтирганликларидадир.

Партия ташкилотлари бу ғамхўрликни маҳаллий ҳокимият органлари, касаба уюшмалари, партия аъзоси бўлган халқ ноиблари, хўжалик раҳбарлари ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда амалга оширмоқдалар. Нарх-наво кескин ошган шароитда Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси, зардўзлик фабрикаси, тикувчилик бирлашмаси, Когон ёғ-тинитиш заводи, Ғиждувон пахта тозалаш заводи ва бошқа бир қатор корхоналар бошланғич партия ташкилотлари касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларнинг тушлик овқатлари учун тўловлар жорий этилишига эришдилар. Кейинчалик бу тадбир вилоятнинг деярли барча меҳнат жамоаларида қўлланила бошланди.

Қоракўл район партия кенгаши қиш пайтида дала ишларига жалб этилмаган меҳнаткашларга товон пули тўлашни жорий этишда ташаббускор бўлди. Шофирконлик халқ демократчилари маҳаллий жамоат ташкилотчилари билан ҳамкорлик шартномасини тузиб, кам таъминланган аҳоли қатламларини биргаликда ҳимоя этишмоқда. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, нафақа жамғармаси, ишбилармонлар уюшмаси маблағларни бир мақсад йўлида жамлаб, қаровчисиз қолган қариялар ва ногиронларни бепул овқатлантиришни ташкил этишди.

Вилоят ХДП аъзолари «Мустақиллик, тенглик, меҳр-шафқат» шиори остида республикада ўтказилган умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишди. Вилоят кенгаши шу мақсадда республика Наврўз жамғармасига 10 минг сўм пул ўтказди. Пешку, Вобкент, Ғиждувон, Бухоро ва яна бир қатор районларнинг кенгашлари шу кунларда ўтказилган хайрия радиомарафонлари ва кимошди савдосидан тушган маблағларнқ кам таъминланган оилалар эҳтиёжини қондиришга сафарбар этишди. Агар партия ташкилотларининг ўзи молиявий жиҳатдан катта қийинчиликларни бошидан кечириб турмаганида бундай тадбирларни юз чандон зиёда ўтказиб, меҳнаткашларнинг олқишига сазовор бўлиши мумкин эди, албатта. Шундай бир шароитда маҳаллий партия ташкилотларининг мол-мулкидан бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Пленумда вилоят кенгаши ижроия бюросининг бу соҳадаги фаолияти танқид қилинди.

— Мен партия мулкининг шундай оғир кунларда сотилишига қаршиман, — деди ўз сўзида ХДП Вобкент район кенгаши биринчи котиби М. Эсонов. — Ахир партия умрини биз беш-олти йил билан чекламоқчи эмасмизку. Унинг мулки, тақдирини ёлғиз ўзимиз ҳал қилишга ҳақимиз йўқ. Фикримча, ҳозирги қийин молиявий аҳволдан қутилиш учун уни сотиш эмас, ижарага берган маъқул. Зероки, мол-мулкнинг қиймати бозор иқтисодиёти шароитида йил сайин ошиб бориши объектив жараёндир.

Дарҳақиқат, ҳозир пулнинг ўта қадрсизланиши шароитида партия ташкилотининг мулки бўлган бинолар, автотранспорт воситалари, мебель ашёларини арзонгаров сотиш текинга бериш билан баробар эмасми? Қайси бир тадбиркор бундай шароитда ўз ихтиёри билан мол-мулкидан маҳрум бўлишни истайди?

Дарвоқе бу масала вилоят кенгаши ижроия бюроси да ҳам қаттиқ мунозарага сабаб бўлди. Музокарада сўзга чиққан нотиқлар партия тақдири учун бундай муҳим масала тор доирада эмас, сайланма фаоллар билан кенгашган ҳолда ҳал қилиниши лозимлигини эътироф этишди.

Пешку район марказий касалхонаси ходими Ф. Қурбонова шу кунги вазиятда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш масаласига тўхталди. Партия аппарати ходимлари бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бераман, десалар кўпроқ қишлоқларга чиқишлари, одамларнинг дардини эшитишлари керак, деди у. Кўпчилик қишлоқ аёллари болалари билан ўралашиб, бозор иқтисодиёти вужудга келтираётган сиёсий ўзгаришларнинг фарқига бормай, давлатимиз бизни боқади, деган умид билан қўл қовуштириб ўтиришибди. Уй бекаларига касб-ҳунар ўргатиш, касаначилик ишларини янада ривожлантиришда партия ташкилотлари ташаббускор бўлмоғи даркор.

Шунингдек, Ромитан районидаги Наримонов номли, Шофиркон районидаги Ф. Хўжаев номли жамоа хўжаликлари бошқарувининг раислари Х. Рўзиев, Х. Раҳматов, ХДП Бухоро шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Абдуллаева меҳнаткашларнинг кам даромадли табақаларини ижтимоий ҳимоя этиш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Пленумда вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

Кенгаш пленумида кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш вазифаларини бажариш бўйича вилоят партия ташкилотининг амалий чоралар дастури қабул қилинди. Унда иқтисодий ислоҳотни изчил амалга оширишга кўмаклашиш чоралари, ижтимоий-сиёсий соҳадаги тадбирлар ўз аксини топди. Биз пленумдан кейин айрим фаоллар билан учрашиб, унинг қандай ўтганлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни айтишни илтимос қилдик.

— Маърузада бошланғич ташкилотларнинг бугунги фаолияти тажрибасига ҳам батафсилроқ тўхталмоқ лозим эди,—деди Бухоро шаҳар халқ маорифи ходимлари бирлашган партия ташкилоти котиби С. Ёқубов. — Улар самарали ишлаш учун йўл-йўриққа муҳтож. Айримлари бугунги мураккаб шароитда қандай иш тутмоқ лозимлигини билмай туришибди. Ахир навбатдаги пленум энди ярим йилдан кейин бўлади.

— Менимча, пленумда сўзга чиққан айрим хўжалик раҳбарлари партиявий иш тажрибасини нарига қўйиб, ҳисобот бериш билан машғул бўлишди, — дейди Вобкент районидаги Хайрулла Камолов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Ш. Маликов. — Энди бу иллатдан қутулмоқ зарур. Вилоят кенгаши ҳудудий партия ташкилотлари иш тажрибасини ўз йиғинларида кўпроқ оммалаштириши даркор.

— Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси ҳамкорлиги ҳақида тузилган шартнома менга айниқса манзур бўлди, — дейди Қоракўл районидаги «Правда» жамоа хўжалиги Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти котиби Д. Ходиева. — Омма ўртасида ишни бундай ҳамкорликсиз тасаввур этиш қийин.

Умуман вилоят кенгаши фаолиятига сайлаб қўйилган фаоллар айтган бундай танқидий ёндашувни фақат табриклаш керак. Танқидий муносабатларсиз ҳар қандай сиёсий иш етарли таъсир кучига эга бўлмаслиги шубҳасиз.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган кўчма мажлиси Шаҳрихонда бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча шаҳар ва район партия кенгашларининг котиблари иштирок этдилар. Мажлисда вилоят партия кенгашининг катта маслаҳатчиси С. Раҳимов партия аъзоси бўлган Шаҳрихон район ва шаҳар кенгашлари ноибларининг халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишлари ҳақидаги, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзоси, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Р. Раҳмоновнинг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми якунлари ҳамда республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Мажлисни вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров бошқарди.

ХАЛҚ ДАРДИ — ПАРТИЯ ДАРДИ

ШАҲРИХОНДА партия аъзоси бўлган 40 нафар район, 24 нафар шаҳар Кенгашининг ноиби халқ фаровонлигини ошириш йўлида жон куйдириб ишлаяпти. Ноибларнинг ҳар иккисидан бири партия аъзосидир. Улар аҳолининг кам даромадли, ночор қисмига, уруш ва меҳнат фахрийларига, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишяпти.

Бундан ташқари партия аъзоси бўлган ноиблар фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш, табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланиши каби амалий ишлар билан ҳам шуғулланмоқдалар.

Ўтган йили районда дон, сабзавот, мева етиштириш 1990 йилга нисбатан кўпайди. Пахта ва мева ҳосилдорлиги ошди. Кўп соҳалар бўйича белгиланган режалар ошириб бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайгани, унинг харид нархи ошгани ҳисобига хўжаликларнинг иқтисодий қуввати бирмунча яхшиланди. Ўтган йили район бўйича олинган соф фойда салкам 21 миллион сўмни ташкил этди. Бу — 1990 йилда олинган фойдага нисбатан 2,7 баровар кўп. Деҳқонларнинг иш ҳақи 2 баравар ошди, аҳолининг турмуш даражаси анча яхшиланди.

Партия ташкилотлари саноат, қурилиш, транспорт, савдо, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса аҳолининг яшаш шароити диққат марказида. Бурноғи йили бошланган шахсий уй қуриш учун ер участкалари ажратиш ўтган йили ҳам давом этди. Барча хонадонлар томорқали бўлиб қолишди. Бу ҳам ўз навбатида аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда. Партия ташкилотлари аралашуви билан Шаҳрихон шаҳрининг ўзида 123 оиланинг яшаш шароити яхшилангани, 100 оилага квартира бепул берилгани хайрли ишларнинг бир қисми холос.

Партия аъзоси бўлган район Кенгаши ноибларидан Э. Турғунова, А. Жўраев, И. Исмонов, Н. Абдазов, М. Орипов, шаҳар Кенгаши ноибларидан А. Араббоев, К. Абдуллаев, И. Тўйчибоев ва бошқалар аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлаш масалалари билан жиддий шуғулландилар. Ҳозир районнинг деярли барча хўжаликларида хом ва пишиқ ғишт, асфальт, оҳак пишириш кичик корхоналари ишлаб турибди. Шунингдек, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида ҳам талай ишлар қилинди.

Жумҳурият Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Фармонига асосан фахрийлар, уруш қатнашчилари, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларга оширилган нафақалар бериляпти. Уларнинг катта кўпчилиги бепул газ, сув, электр қуввати, ёқилғи билан таъминланяпти. Район ва шаҳарда яшовчи 53 нафар ёлғиз қолган фахрийларга ҳар ойда нархи 60 сўмликдан иборат 12 хил озиқ-овқат маҳсулоти етказиб бериляпти. Бундан ташқари улар кунига бир маҳал хайрия ошхонасида бепул овқатланадилар.

Район ва шаҳар Кенгашларида рўйхатга олинган таклифлар, илтимосларнинг кўп қисми партия аъзоси бўлган халқ ноибларига тегишлидир. Улар етакчилигида бир қанча кўчаларга асфальт ётқизилди, хонадонлар газлаштирилди, электрлаштирилди. Новвойхона, чойхона, магазинлар қурилди. Партия аъзоси, район Кенгашининг ноиби «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг раиси Н. Абдазовнинг жонкурлиги билан 8 та маҳаллага «зангори олов» келтирилди, қишлоқ йўлларига асфальт ётқизилди, аҳоли ичимлик сув билан таъминланди.

Шаҳар Кенгаши ноиби, партия аъзоси Нодира номли маҳалла қўмитасининг раиси С. Худойбердиевнинг ҳаракати билан 3 та қабристонда ҳашар ўтказилиб, обод қилинди, фахрийлар, ночор оилаларга моддий ёрдам уюштирилди.

Шунингдек, кўчма ижроия бюро мажлисида ХДП аъзоси бўлган ноиблар айниқса, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган раҳбар ходимлар, мутахассислар озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ички имкониятлардан тўла фойдаланмаётганликлари таъкидланди. Пахта майдонлари қисқартирилганига қарамай ўтган йили районда сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, гўшт, сут, тухум етиштириш нисбатан камайиб кетди. Буғдой, арпа, маккажўхори, картошка, озуқабоп қизилча ҳосилдорлиги ҳам ортиш ўрнига озайди.

Партия аъзоси, район Кенгашининг ноиби А. Солиев раислик қилаётган «Хўжаобод» жамоа хўжалигида ўтган йили гўшт, сут, тухум, жун, сабзавот, мева, узум, полиз маҳсулотлари етиштириш режалари бажарилмади. Партия аъзоси, халқ ноиби Р. Мўминова бошқараётган «Дўстлик» жамоа хўжалигида маккажўхори, беда ҳосилдорлиги анча пасайди. Охунбобоев номли, «Ғалаба», «Қизил юлдуз», «Олтин водий» жамоа хўжаликларида эса аҳолининг шахсий чорвасини боқишга етарли ёрдам берилмаяпти. Бошланғич партия ташкилотлари нуқсонларнинг олдини олиш, муаммоларни ечиш, кишиларни йўналтириш ишларида ўз вазифасини сидқидилдан бажаролмаяптилар. Ҳали ҳам бўшашувчанлик, юқоридан кўрсатма кутиш давом этяпти. Ташаббус кўрсатилмаётир.

Қишлоқларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг иши талаб даражасида эмас. Аҳоли орасида юқумли касалликлар нисбатан кўпайди. Марказий поликлиника ва қишлоқ врачлик амбулаторияларининг аксарият қисми талабга жавоб бермайдиган биноларда жойлашган, 50 минг аҳолиси бўлган шаҳарда фақат битта поликлиника бор, холос.

Кўчма бюрода Шаҳрихон район партия кенгашининг биринчи котиби Й. Собиров партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, партия сафини ўстириш, Бирлик ҳаракати билан алоқани мустаҳкамлаш ва ҳамкорликда иш юритиш ҳақида гапирди. ХДП аъзоси, район Кенгаши ноиби, «Хўжаобод» жамоа хўжалигининг раиси А. Солиев, «Қизил юлдуз» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг котиби А. Жўраев, шаҳардаги Нодира номли маҳалла қўмитасининг раиси С. Худойбердиев ва бошқалар сўзга чиқиб кўчма бюро мажлиси иштирокчилари диққат-эътиборини партия ташкилотлари аралашиши лозим бўлган энг муҳим, етилган масалаларга қаратдилар.

Кенгайтирилган кўчма ижроия бюро мажлисида Андижон вилоят ҳокими, вилоят партия кенгашининг бюро аъзоси Қ. Холмирзаев маъруза қилди. У шаҳрихонликлар ишини чуқур таҳлил этди ва шу кунларда қилинадиган долзарб ишларни бирма-бир санаб ўтди.

— Андижонликлар 1992 йилни меҳр-шафқат йили, деб эълон қилдилар, — деди ҳоким. — Иқтисодий танглик, қимматчилик авж олган бугунги оғир шароитда етим-есирлар, бева-бечоралар, кам даромадли оилалар оёқ ости бўлиб кетмаслиги керак. Масалага шу жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, шаҳрихонликларнинг иши бизни қониқтирмайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни камайтираётган хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари котиблари билан муроса қила олмаймиз. Бундай ҳолатда халқни қандай боқамиз? Энди эскича ишлаб бўлмайди.

Лоқайдлик, бепарволик ботқоғидан чиқишимиз, кеча-ю кундуз халқнинг тақдирини ўйлашимиз зарур. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил бўлиб турган бир шароитда Шаҳрихонда бир неча ўн тонна ун ачитиб қўйилди. Бунга йўл қўйган кишиларни халқ душмани дегим келади. Уларни қаттиқ жазолаш керак.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг кўчма ижроия бюроси кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОАК қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган Олий аттестация комиссиясининг вазифалари ва Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ана шу ҳақдаги Фармонини бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Унда таниқли олимлар иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлиб, фанни тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада юқори малакали илмий ва илмий-педагогик мутахассислар тайёрлашнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ана шу мутахассиларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг халқарс талабларга мос келадиган ҳамда уларга бериладиган дипломларнинг ҳамма жойда ўтишини таъминлайдиган тизимни шакллантириш лозимлиги қайд этилди. Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар олий аттестация комиссиялари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, фан номзодлари ва докторларининг билим даражасини тобора ошириб бориш, диссертациялар ёқлашнинг сифатини янада яхшилаш, уларни ўзбек тилида, шунингдек жаҳон тилларида ҳам ёқлаш зарурлиги масаласига йиғилишда алоҳида аҳамият берилди, илмий кенгашларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларга қўйиладиган талабни кучайтириш, бозор иқтисодиёти шароитида олимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эътибор қаратилди.

Олий аттестация комиссияси аппаратини тузиш унинг ихчам ва ишчан бўлишини таъминлаш ҳамда масъулиятини ошириш, комиссияни шакллантиришда кенг жамоатчилик фикрига таяниш зарурлиги уқтирилди. Комиссия тўғрисидаги низом лойиҳасини тайёрлаш учун етакчи олимлардан иборат бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган махсус гуруҳ тузилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов қатнашдилар.

(ЎзА).

• Сизда қандай янгиликлар бор?

ЧЎПОНЛАР СЕВИНЧИ

● Нурота районида табиий газ тақсимлаш станцияси қурилиши бошланиб кетди.

Биринчи навбатда 500 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди ва кейинчалик кўркам, чиройли газчилар шаҳарчаси барпо этилади. Бундан айниқса нуроталик чўпонлар мамнун. Боиси газ келса, хонадонларда узоқ йиллардан буён ишлатиб келинаётган шувоқ, янтоқ ва турли чорва озуқаларидан ёқилғи сифатида фойдаланишга эҳтиёж қолмайди.

ХАЛҚ ШИФОХОНАСИ

●Нажот излаб келган беморлар дардига даво топаётган халқ табиби андижонлик Анвар Боборазоқовнинг ҳислати ўзгача.

Навоий шаҳрининг «Фарҳод» маданият саройига келганлар руҳий табобат муолажасидан мамнун бўлишяпти. «Хасталикдан фориғ бўлганларнинг севинч ёшларини кўриш биз учун катта бахт», дейди халқ табиби Анвар Боборазоқов.

Р. ҚОДИРОВ.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қарши районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш давлат-кооператив марказига қарашли «Лола» трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари сони қисқа вақт ичида 2,5 бараварга кўпайди.

Корхонанинг янги маҳоли маҳсулот турларини кўпайтириш, чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиш имконини ҳам берди. Масалан, ўтган йили қаршилик ишбилармонлар Москва ярмаркасида қатнашиб, канадалик фирма вакиллари билан битим имзолашди. Унга кўра, 72 минг сўмлик трикотаж буюмлари Канадага жўнатилди. Ҳозир корхонада Ҳиндистон ва Япония ускуналари ўрнатилган бўлиб, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланиши таъминланмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Тўқувчилар устози М. Қораева (ўртада) шогирдлари З. Пирназарова (чапда) ва Зебунисо Пирмаматова билан бирга. 2. (чапдан ўнгга) ишчилардан Т. Узоқова, Д. Файзиева, М. Ниёзова ва Ҳ. Тўхтаевалар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни намойиш қилишяпти. 3. Тўқув цехида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

• Истеъдодлиларга кенг йўл

МУРОД ОРЗУ ҚИЛГАН ШАҲАР

Иқтидорли болалар биринчи жумҳурият слёти ниҳоясига етди. Шубҳасиз, анжуман ташкилотчиларда ҳам, болаларда ҳам, меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирди. Асосийси, бу анжуман муҳим тадбир эканлиги, мустақил жумҳуриятнинг келажаги учун катта аҳамиятга эгалиги исбот этилди.

Анжуман низомига кўра, пойтахтдаги беллашувларга ҳар бир вилоятдан 16 ўқувчи таклиф этилди. Бу ўқувчиларнинг қизиқиш, машғулот доиралари бир-биридан фарқ қилади. Улар тўрт асосий — бадиий-эстетик, тариҳий-ўлкашунослик, табиатшунослик, илмий-техник йўналишларда ўз билим-тажрибаларини синовдан ўтказдилар. Бу тўрт йўналиш ҳам ўз ичида яна тўртга бўлинади. Хуллас, вилоятлардан сараланган 204 ўқувчи унутилмас 1-слётда қатнашдилар. Анжуман танловлари Тошкент Давлат дорилфунуни, Техника дорилфунуни, авиация техникуми ва жумҳурият ўқувчилари саройида, бошқа илм-маданият масканларида бўлиб ўтди. Болалар иқтидорига йирик олимлар, шоирлар, бастакорлар, мусиқандислар баҳо бердилар.

Анжуман кунлари илмий-техник йўналишдаги лойиҳалар ҳимоясида қатнашишга қарор қилдим. Сабаб шуки, бу тарихда қолаётган шоирлару-бастакорлар, тарихчи ва ўлкашунослар баҳси ҳам ҳар қанча қизиқарли бўлмасин, илмий-техник йўналишдаги «Келажак лойиҳаси» деб номланган баҳс-мунозара, танлов ҳамманинг диққатини жалб этса керак, шубҳасиз. Чунки, болалар — келажак фарзандлари, улар фикри-хаёллари, орзу-ниятлари ҳали шаклланиб, келажакда ўзини намоён этади.

Бу танловда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 41-мактаб ўқувчиси Мурод Иноғомов биринчиликни эгаллади. Тенгдошлари транспорт воситалари, коинот кемаларининг лойиҳаларини намойиш қилар экан, Мурод оддий ва барчани бир хил ташвишга қўяётган муаммо — келажак шаҳри лойиҳасининг айрим қиррларини кўрсатишга интилди.

Иккинчи ўринни эгаллаган фарғоналик Е. Соболев, учинчи ўринни эгаллаган қорақалпоғистонлик А. Жакеев лойиҳалари ҳам бугунги кун муаммоларига ҳамоҳанг. Шунингдек, бу танловда болалар таклиф этган компьютерлаштирилган синф ёзув тахтаси, қуёш нуридан қувват олиб уйларни иситиш, радио қўйиш, чироқ ёқиш (бухоролик А. Жўраев тажрибада кўрсатди), ернинг магнит майдонидан фойдаланиб транспорт воситаларини ҳаракатга келтириш (самарқандлик О. Иванов), келажак мактабини тасаввур этиш (Х. Берназарова) ва экологик лойиҳа (қорақалпоғистонлик А. Жакеев)лар озми-кўпми келажакда амалга ошишига ишонса бўлади.

Вилоятлардан келган ўқувчилар кўрик-танловларда иштирок этишдан ташқари турли ўқув даргоҳлари, ишлаб чиқариш муассасаларида бўлдилар. Улар учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти М. Салоҳиддинов раҳбарлигида йирик олимлар билан, шунингдек, Тошкент Давлат дорилфунуни жўғрофия; биология факультетларида, техника дорилфунуни самолётсозлик факультетида ва шу каби бир қатор даргоҳларда учрашувлар бўлиб ўтди.

Ҳ. АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги инспектори.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҲАҚРАМОНЛИГИ

● Абдулла Қодирий — ўзбек халқининг йигирманчи асрдаги улуғ миллий қаҳрамони эканлиги йиллар ўтган сари аниқроқ кўзга ташланмоқда. Адибнинг авлодларга ибрат бўладиган улкан ижодий ва инсоний жасоратини биз энди астойдил идрок этмоқдамиз. Унинг баҳор пайтида табиат уйғонган ҳамал ойида дунёга келганлиги жуда катта рамзий маънога эга. Абдулла Қодирий ижоди мустамлака зулмидан эзилган, эрк ва мустақиллик томон интилган халқимизнинг ғафлат уйқусидан уйғонган ва ўз ҳаққи-ҳуқуқи учун курашга отланган даврларини ифода этади.

Абдулла Қодирий туғилганда Туркистон чоризмнинг хом ашё базасига ва тайёр маҳсулотларини келтириб сотиб, катта даромад оладиган бозорига айланган эди. Қарамлик дарди, мутеълик азоби миллий онгни уйғотган бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш қийин, оқ подшо цензураси сал бош кўтарган миллий газета ва журналларни таъқиқлаб, ёпиб ташлар эди. Кейинчалик Абдулла Қодирий чор жандармаларини «тил бўғмакорлари» деб атагани бежиз эмас. Октябрь инқилоби ва янги тузумни катта умидлар билан кутиб олган адиб йиллар ўтиши билан дастлабки декларацияларда берилган ваъдалар ёлғон эканини сезади. Айниқса, Сталин даври бошлангандан сўнг таъқиқ ва тазйиқлар яна кучайиб кетади. Сўз бошқа, иш бошқа, миллий мустақиллик оғизда бор, амалда йўқолган эди.

Абдулла Қодирий «Милларимга» деб аталган илк шеъридаёқ халқнинг асл жонкуяри бўлиб майдонга чиққан эди. Йигирманчи йилларда авжланган риёкор мафкура нуқул ўтмишга тош отиб, тарихни қоралаб турган пайтларда Қодирий бирин-кетин иккита тарихий роман ёзганлиги унинг нақадар ботир инсон ва жасоратли ижодкор бўлганини баралла кўрсатди.

Ижодда ҳам Абдулла Қодирий дилидаги миллий руҳни тўлиқ ифода этадиган мустақил бадиий шакллар кашф этди. Академик Бертельс жаҳондаги бешта романчилик мактаби қаторига Абдулла Қодирий яратган янги ўзбек романчилик мактабини ҳам қўйганлиги бежиз эмас. Бу романчилик мактабидан улкан қозоқ адиби Мухтор Авезов ҳам таълим олган. Туркман адиби Хидир Деряев Абдулла Қодирийни ўзининг устози деб билган. Чунки бу қардош туркий халқлар билан бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам ўхшаш.

Биз «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларига бугунги истиқлол ғоялари нуқтаи назаридан янгича ёндашмоғимиз керак. Ана шунда ҳалигача баралла айтилмаган бир ҳақиқатни — А. Қодирий «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларида ўзбек халқининг мустақил давлат бўлиб яшаган даврларини теран бир қўмсаш билан тасвирлаганини пайқаймиз. Мустақил давлат ҳудудида яшаган даврларимизда халқимиз Отабекдай, Анвардай, Кумуш ва Раънодай жозибали қиёфаларга, гўзал маънавиятга эга бўлганлиги кўз олдимизда бор бўйича гавдаланади. Бу романларни севиб ўқиган китобхонлар мустамлака зулмидан ва қарамлик балосидан ҳоли яшаган замонларимизни қайта бошдан кечиргандай яйрайди. Ахир қадимдан Туркистон деб аталган бу диёр ўзининг икки минг йиллик тарихи давомида фақат уч-тўрт аср мобайнида четдан келган Қутайбо, Чингизхон, чоризм каби фотиҳларга қарам бўлиб яшаган бўлса, қолган ўн беш-ўн олти аср ичида, яъни бутун тарихининг саксон фоизи давомида тагжой халқларга мансуб бўлган мустақил давлатлар ҳудудида ҳаёт кечирган-ку. Демак, биз минг йиллар давомида четдан келган фотиҳларга мутеъ бўлиш, хом ашё базасига айланиш нималигини билмай яшаганмиз. Отабек ва Кумушбиби даврида халқимиз ўзига керакли барча озиқ-овқатларни, кийим-кечакларни, барча рўзғор буюмларини ўзи ишлаб чиқарган. Иқтисод мустақил, маънавият ва сиёсат мустақил бўлган.

Абдулла Қодирийнинг суюкли қаҳрамони Отабек мустамлакачиларга қарши жангга кириб ҳалок бўлгани ҳам тасодиф эмас. Замон тақозоси билан адиб бу жангнинг тафсилотларини тасвирламайди. Лекин Отабекнинг Авлиёота томонларда чор аскарлари билан жанг қилган ватанпарварларнинг олдинги сафида туриб ҳалок бўлганини ўқир эканмиз, унинг миллий мустақиллик йўлида жон берган ботирлардан эканини дилдилдан ҳис қиламиз. Отабек тақдирида Абдулла Қодирий ўз фожиавий ўлимини олдиндан башорат қилгандай бўлади. Чунки «Ўтган кунлар» ёзилган йигирманчи йилларда Ўзбекистонни аввалгидан ҳам шафқатсизроқ тўтқинликка солиш ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда эди.

Мустақиллик туйғуси беҳад кучли бўлган адиб «Муштум»да босилган қатор ҳажвияларида мана шу ҳаракатларга қарши чиқади ва биринчи марта 1926 йилда қамоққа олинади. Адиб ноҳақ зулм ўтказганларга қарши исён кўтариб, турмада очлик эълон қилади. Ҳар қалай, у йилларда ҳали ошкоралик тугаб битмаган экан. Адибнинг очлик эълон қилгани матбуот саҳифасида ёритилади. «Ўтган кунлар»ни севиб ўқиган ўн минглаб мухлислар адиб тақдирини ўйлаб, қаттиқ ҳаяжонга тушадилар. Шифокорлар газетанинг ҳар сонида адибнинг саломатлиги ҳақида махсус ахборот бериб борадилар. Бутун халқ Қодирийнинг мардона олишувини изтироб билан кузатади. Очлик ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи кунга ўтади. Матбуот қисқа-қисқа хабар беришда давом этади. Абдулла Қодирийнинг очлиги ўн учинчи кундан ўн тўртинчисига ўтганда афкор омманинг ҳаяжони авжига чиқади. Портлаш юз бериши мумкинлигини сезган маъмурлар чекинишга мажбур бўладилар. Ўн тўрт кун туз тотмай оч ётган адибнинг бегуноҳлиги унинг судда сўзлаган оташин нутқидан маълум бўлади. Абдулла Қодирий бу тенгсиз курашдан ғолиб чиқади ва озод этилади.

Шундан кейин «Меҳробдан чаён» ёзилади ва ундаги нопок айғоқчи Абдураҳмон домла қиёфасида адиб Сталин замонасининг ёвуз айғоқчиларини камоли нафрат билан тасвирлайди.

Абдулла Қодирий ижодида «Обид кетмон» қиссасининг алоҳида ўрни бор. Масалага юзаки ёндашган кишилар бу асар мундарижасини фақат колхозлаштириш ҳаракати билан белгилашга интиладилар. Аммо қиёс учун машҳур «Очилган қўриқ» романини эслайлик. Уни чиндан ҳам колхозлаштиришга бағишланган, десак бўлади. «Очилган қўриқ» марказида ўзига тўқ деҳқонларнинг мол-мулкини зўравонлик билан тортиб олиш ва қиш кунида болачақалари билан бадарға қилиш воқеалар кўрсатилган. Яна бу ғайриинсоний ишлар романнинг бош қаҳрамони Давидов образи орқали оқланган ва адолат тантанаси тарзида кўрсатилган. Биз ҳаммамиз ўнлаб йил давомида мактаб дарсликлари орқали Сталиннинг коллективлаштириш давридаги золимлигини кўкларга кўтариб мақтаб келдик.

Ҳақиқий аҳвол халқдан яширилгани, биз ҳаммамиз алданганлигимиз, коллективлаштириш байроғи остида мамлакатнинг деҳқон синфига бениҳоя катта жабр қилинганлиги, халқни озиқ-овқат билан таъминлаб турган миллионлаб қишлоқ меҳнаткашлари беҳуда хонавайрон бўлгани, бунинг натижасида яна миллионлаб одамлар очдан ўлиб кетгани кейинги йилларда маълум бўлди. Бундан икки йил аввал собиқ СССР Президентининг махсус фармонида бу ҳаммаси очиқ айтилди ва ўша даврда адолатсиз қатағонларга учраб, ноҳақ бадарға қилинган миллионлаб қишлоқ кишилари оқланди. Шу оқланганлар орасида бизнинг отаоналаримиз ҳам бор эди. Адолат жуда кечикиб тикланган бўлса ҳам ҳар қалай ўша ноҳақ жабрланган оталарнинг болалари анкеталар тўлдирганда «ижтимоий келиб чиқишингиз» деган саволдан изтироб чекиб, «отам қулоқ қилинган» деган тавқи лаънат сўзларни ёзиш азобидан энди қутулдик.

Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон»ига мана шу нуқтаи назардан янгича тафакур асосида ёндашсангиз, унинг Шолохов борган йўлдан юрмаганини, масалага тамоман мустақил ва ҳалол ёндашганини кўрасиз. Асар марказига қўйиб, меҳр билан тасвирланган Мулла Обид — меҳнатсевар, тадбиркор деҳқон. Унда ерга эгалик ҳисси кучли. Бугун бизнинг мамлакатимиз Обид кетмондай мустақил иш юритадиган, кам гапириб, кўп иш қиладиган, ерга эгалик ҳисси устун турган ҳақиқий деҳқонларга жуда катта эҳтиёж сезяпти. Бундай деҳқонлар ўттизинчи йиллардаги қатағонлар туфайли жуда оз қолган эди. Абдулла Қодирийнинг жасорати шундаки, ўша алғов-далғов замонлардан тап тортмай, Обид кетмон каби тўқ деҳқонни ўз асарига бош қаҳрамон қилиб олади, унинг қадрини юқори кўтаради. Шу жиҳати билан «Обид кетмон» қиссаси бизнинг бугунги кунларимизга яқинлашади. Абдулла Қодирий ўша золимлар қулоқ қилдирган тоифадан бўлган Мулла Обидни қаҳрамон қилиб кўтаргани — адибнинг ботирлиги ва ҳақгўйлигидан далолат беради. 1937 йилда адиб яна қамалганда «Обид кетмон»нинг мана шу тарзда ёзилганини «сталинча колхозлаштириш сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат» деб баҳолаганлар топилди.

Бугун тўқсон саккиз ёшга кирган адиб фақат сўнгги йилларда ўзига муносиб эъзоз кўра бошлади. Алишер Навоий номидаги юксак мукофотга мумтоз адибларимиз орасида биринчи бўлиб Абдулла Қодирий сазовор бўлди.

Марказий хиёбонлар, олий билим юртлари, театрлар, мактаблар унинг номи билан аталди. Адиб яшаб ободлаган Самарқанд Дарвоза мавзеида қурилаётган боғ музей учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйи умумхалқ байрами тарзида нишонланади, деган умиддамиз.

Бироқ бу сана тобора яқинлашиб келаётганига қарамай, музей қурилиши сust бормоқда. Шу пайтгача адибнинг асарлар мажмуаси тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашрдан чиққани йўқ. Унинг шаҳид қони тўкилган жой — Тошкентда, Бўзсув бўйида деб тахмин қилинади. Аммо ҳалигача бу жой ободонлаштирилган эмас. Пушкин ва Лермонтовлар золимлардан ўқ еб йиқилган жойлар қандай обод зиёратгоҳга айлантирилган бўлса, Абдулла Қодирийнинг муқаддас қони тўкилган жойни ҳам ана шундай обод қадамжога айлантириш бизнинг инсоний бурчимиз.

Ҳозир халқимиз жуда муҳим ва мураккаб тарихий жараёнларни бошдан кечирмоқда, катта қийинчиликларни енгиб ўтиб, чин мустақиллик йўлидан бормоқда. Бу йўлда миллий қаҳрамонимиз Абдулла Қодирийнинг мардона руҳи ҳаммамизга ибрат бўлсин ва ҳар биримизга маънавий мадад берсин!

Пиримқул ҚОДИРОВ.

● РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ТРАНСПОРТДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида бўлиб ўтган мувофиқлаштириш кенгаши темир йўл транспортида қонунчиликни, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳамда халқ хўжалиги юкларини ўғирлашга қарши курашни кучайтиришга бағишланди. Кенгашда транспортдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг ходимлари қатнашдилар. Умумий иқтисодий ва сиёсий беқарорлик туфайли темир йўлда жиноятчилик кучайганлиги, иқтисодий жиноятлар сони кўпайиб бораётганлиги таъкидланди. Мансабдор шахсларнинг назоратсизлиги ва масъулиятсизлигидан далолат берувчи кўпгина фактлар келтириб ўтилди. Бундай масъулиятсизлик оқибатида миллионлаб сўмлик зарар етмоқда.

Ўзбекистон кенг миқёсли ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатаётган бир пайтда юкларнинг пухта сақланишини, транспорт ишининг бир маромда боришини, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳимлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Ушбу шартлар бажарилган тақдирдагина шартномалар ва битимларнинг бажарилиши, республиканинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолотланади.

Кенгаш қатнашчилари темир йўл транспортида ҳуқуқбузарликка қарши курашни кучайтиришга доир тавсиялар ишлаб чиқдилар.

(ЎзА мухбири).

● *АЖАБ САВДОЛАР* ●

ЗОВУРДАГИ ГЎШТ ВА ОМБОРДАГИ «МУШУКЛАР»

Бухорода «Вилоятда гўшт нархини сунъий равишда кўтариш учун «ишбилармон» савдо ташкилотлари ходимлари тонналаб гўштни шаҳар чеккасидаги зовурга ташлаганмиш», «Йўқ, ундай эмас. Бу гўшт Чернобилдан келган ва радиация билан зарарланган экан» қабилидаги миш-мишлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Илҳом САФАРОВ тегишли кишиларга мурожаат қилиб, ушбу миш-мишларнинг ҳақиқатга қанчалик тўғри келиши ҳақида гапириб беришни сўради.

Мурод ЖУМАЕВ, Бухоро вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош врачи:

— Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди деганларидек, бу миш-мишларда ҳам жон бор, албатта. Ҳақиқатан ҳам Бухоро аэропорти яқинидаги зовурдан бир неча тонна гўшт топилди. Мутахассисларимиз махсус асбоблар ёрдамида текширув ўтказишганида гўштда радиоактив моддалар йўқлиги аниқланди. Бироқ гўштнинг бузилиши инсон организми учун хавфли бактериялар пайдо қилиши ва атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бу гўшт кўмиб ташланди. Айни вақтда врачларимиз шу атрофда яшовчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар. Ҳозирча шу гўшт билан боғлиқ бирон касаллик қайд этилгани йўқ.

Тофиқ МАНАПОВ, Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи:

— Ходимларимиз зовурга ташланган гўштнинг ҳақиқий эгаларини қисқа муддатда топдилар. «Узбекнефтегазгеология»га қарашли Бухородаги ишчилар таъминоти бўлими омбор мудири Ирина Дикарева экспедитор Ҳаким Сандхўжаевдан икки тоннадан ортиқ гўштни шаҳар чеккасига чиқариб, кўмиб ташлашни илтимос қилган. Ҳ. Саидхўжаев эринганиданми ёки бошқа сабабданми, гўштни шаҳар четидаги зовурга ағдариб келаверган.

Текширишларимиздан аниқланишича, ишчилар таъминоти бўлими Украинанинг Тернополь шаҳридан ўтган йилнинг ноябрь ойида йигирма тоннадан кўпроқ гўшт олиб, унинг 15 тоннасини ўзаро келишувга биноан «Узмясомолторг»нинг Бухородаги музхонасига қўйишган. Лекин шу йилнинг февраль ойида Бухоро музхонаси ўша биноларни «Узрыбпромсбыт» ташкилотига ижарага берган. «Узрыбпромсбыт» ходими (ҳали унинг шахси аниқланганича йўқ) музлатгичларни тоқдан узиб қўйган. Натижада қолган гўшт бузилиб истеъмол қилиб бўлмайдиган ҳолга келган. Омбор мудири И. Дикарева бузилган гўштларни ҳисобдан чиқаришни сўраб раҳбарларига мурожаат қилган. Лекин улар бунга рози бўлишмаган. Шунда И. Дикарева вазиятдан чиқиш учун иккита магазин мудири: Очилова ва Дроздовалар билан тил бириктириб, уларнинг бирига 3536 сўм, иккинчисига 5346 сўм нақд пул берган. Шу ерда соҳта накладнойлар тузилган ва гўё ҳалиги гўштлар икки дўконда сотилди, деб ҳужжатлаштирилган.

И. Дикарева мудир бўлган омбор ревизия қилинганда катта миқдорда камомад аниқланди.

Текшириш давом этмоқда.

(ЎзА).

АМАЛИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида гиёҳвандликка қарши кураш масаласига бағишланган амалий учрашув бўлди. Унда БМТнинг гиёҳвандлик воситаларини халқаро назорат қилувчи махсус делегацияси аъзолари, шунингдек республика Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона комитетининг ходимлари қатнашдилар.

Республика Ички ишлар вазири З. Алматов гиёҳвандликка қарши кураш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

БМТ махсус делегацияси раҳбари Энрике Порехо Гонзалес бизда гиёҳвандликка қарши амалга оширилаётган ишлардан қониққанлигини айтди. Айни вақтда у БМТ томонидан шу ишни кучайтириш учун зарур замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашда республикага ёрдам берилишини айтди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

13–19 апрель

13, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Энг митти Гном». «Қуёшда пишган нон». Мультфильмлар 18.30 «Олий таълим: муаммо ва ечимлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ҳамкорлик сари илк қадам». 19.50 «Кўнглим ардоғи». Комилжон Йўлдошев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Насриддин Афанди томошахонаси». 21.50 «Йўқолган ҳазина». Бадиий фильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

10.30 Физика. Плазма ва унинг қўлланилиши. 11.00 «Шундай вазият». Телефильм. 11.30 Математика. Рационал сонлар устида амаллар бажариш.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Гулнорани нинг гулдастаси». Видеофильм. 21.10 «Лаҳза». Хабарлар. 21.20 «Йигит билан қиз». Бадиий фильм.

«ОРБИТА-IV» ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Саҳий ўрмон». Мультфильм. 7.50 «Марафон-15». 8.40 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 10.00 «Мендан сўрама, худодан сўра». Ҳужжатли фильм (АҚШ). 11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган... бўлганди...» 14.45 «Кабаре менинг ҳаётимда». Телевизион бадиий фильм. 16.00 «Буғу». Мультфильм. 16.10 «Фарзанд овози». Ҳужжатли фильм премьераси (АҚШ). 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «НЭП». 17.55 Футбол шарҳи. 18.25 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.40 «Янги студия» таништиради. 21.00 Авторлик телевидениеси. «Бироқ», «Москва садоси», «АТБ-Брокер». 21.40 «Янги студия» таништиради. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 00.05 «Кабаре менинг ҳаётимда». Телевизион бадиий фильм.

14, сешанба

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Лола Оқилова рақсга тушади». Фильм-концерт. 8.55 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 1-серия. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 10.45 «Муҳофаза».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм. 18.15 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Дадам — ҳамиша илдам». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Спортлото. 19.25 Тижорат канали: «Чўлга Наврўз келганда». 19.50 «ФильмS» ойномаси — студиямиз меҳмони. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг янги программаси. 21.40 «Омад — ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

10.30 Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ асослари. Оила ҳуқуқи. 11.00 «Ярмаркада». Телефильм. 11.30 Информатика Жадвал катталиклари ва такрорланувчи жараёнлар.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.25 «Кашф этилмаган оролар». Болалар учун фильм 19.30 «Театр учрашувлари». 21.00 «Бу оқшом» кўрсатуви саҳифаларида. 22.20 Реклама Кинонигоҳ.

ОРБИТА-IV ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Икки эртак», «Олтин бошоқ». Мультфильмлар. 8.10 Футбол шарҳи. 8.40 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм 2-серия. 9.45 «Мен сизни севардим...» А. С. Пушкин шеърлари. 10.20 «Тоғли ўлка муаммолари». Телефильм (Душанбе). 11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 Ритмик гимнастика. 11.55 «Чума». СПИДга қарши кураш муаммолари ҳақида илмий-оммабоп кўрсатув. 12.35 Мультфильмлар. 12.55 Клер-Колледж черкови ёшлар хорининг концерти (Буюкбритания). 13.25 Адам Смит жаҳон пули. 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Ольга Иванова дарси». 14.40 «Катта ўғил». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»). 15.50 Делегатсойдаги музей. 16.20 Болалар мусиқий клуби. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Порнас сари бир босқич. 17.35 «Максима». 18.05 «Сиёсат» студияси таништиради. 18.35 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Мавзу». 21.10 «Москва виртуозлари» Камер оркестрининг концерти. 21.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси: «Еврейморнинг қайтиши». 22.45 «Саҳна ортида. Табассум билан». 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Қийин болалик». ШОУ кўрсатув. 00.15 «Катта ўғил». Телевизион бадиий фильм.

15, чоршанба

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 2 серия. 9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Жажжигина юраккинам». 10.25 Футбол майдонларида. 10.55 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Жасур бўлиш осонми?». Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт. 18.35 «Мулоҳаза». Халқ амалий санъати ҳақида. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Усмир ва қонун». 19.50 Тижорат канали: «Орзу» иш тажрибасидан. 20.10 «Деҳқонларнинг дорилфунуни». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Саҳна ва саҳна ортида». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрига ташриф. 22.00 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

10.30 Биология. Табиатни муҳофаза қилиш. 11.00 «Ёз ёмғири». Телефильм. 11.30 Кимё. Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий системаси ва унинг аҳамияти.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Ижод қувончлари...» Кинокўрсатув. 21.00 «Ишбилармонлар». 21.45 «02» тўлқинида. 22.05 Мусиқали меҳмонхона.

ОРБИТА-IV ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Қайсар малика», «Икки айиқча». Мультфильмлар. 8.10 Болалар мусиқий клуби. 8.50 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.00 Спорт гимнастикаси. «Жаҳон юлдузлари-92» Халқаро турнири. 11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 «ПИ» белгиси билан. 11.55 Халқ куйлари. 12.05 «Мусаввир». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. (Тошкент). 12.25 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатуви. 12.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Мусиқий кўрсатув. 14.50 «Катта ўғил». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. 16.00 «Рок-макс». «Флитвуд — МЭК» концерт группаси. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Мультфильм. 17.30 Останкино концерт студиясида ёзувчи Леонид Бородин билан учрашув. 18.45 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Фондаги портрет». Людмила Зикина. 21.00 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 21.40 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Оқибат». 22.40 «Рақслар, рақслар, рақслар». 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Катта ўғил». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

16, пайшанба

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Наврўз» чечаклари». 9.00 «Оқ флюгер». Бадиий фильм. 10.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Зангори филча». Мультфильм. 18.20 «Қишлоқ қурилиши муаммолари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 «Халқ ижодиёти». «Аму тонги». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Иқтисод ва истиқлол». 21.40 «Омад». Тижорат мусиқий кўрсатуви. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 50—80 йилларда ўзбек адабиёти. 11.00 Анъаналар ва урф-одатлар. Кинопрограмма.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Имконият». 19.00 «Яна бир бор мусиқалар янграсин». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 21.40 Реклама. Кинонигоҳ.

ОРБИТА-IV. ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.05 «Хорошки». Белорус фольклор этнографик ансамблининг концерти. 8.50 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм премьераси II-фильм. 10.00 Брэйн ринг. 11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 12.10 Халқ чолғулари оркестри асарлари антологиясидан. 12.55 «Овчарка». Телефильм премьераси (Ашхобод). 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.55 «Менинг хотиним — бўви». Телевизион бадиий фильм («Таллинфильм»). 16.00 «Япония билан танишинг». Болалар ва катталар учун кўрсатув. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сўзсиз тарих». Мультфильм. 17.30 Совхоз масштабида мафия. 17.55 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.35 «Сухово-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм. II-фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.30 Футбол. МДҲ чемпионати. Ярим финал. «Помир» — МАСК. 2-тайм. 21.20 «Миллатнинг пайдо бўлиши». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 «Тўққиз». 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Уйга йўл». Юлиан Паничнинг авторлик кўрсатуви. 00.50 Футбол. «Уэмбли йўлида».

17, жума

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Довюрак капитан қиссаси». Бадиий фильм. 9.55 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада». 10.55 «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин». «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан кўрсатув.

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор-79». — «Пахтакор». «Меҳнат резервлари» ўйинғоҳидан репортаж. Танаффус пайтида «Стадион». Телефильм. 17.50 «Акс садо». Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм. 18.20 «Меҳрга муҳтож қалблар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Деҳқонларнинг дорилфунуни». 19.50 «Ижод саҳифалари». З. Дўсматов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Маърифатнома». 21.40 «Мусиқий қадриятларимиз». Мақом ҳақида суҳбат. 22.40 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

10.30 Зоология. Сут эмизувчилар. 11.00 «Брянск ўйинлари». Телефильм. 11.30 Биология. Биотехнология ва ген инженерияси.

ОРБИТА-IV ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Овчи», «Акоиро». Мультфильмлар. 8.00 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 8.40 «Шляпалик аёл». Бадиий фильм. (Польша). 10.10 Китобхона. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.10 «Ёнғин» лақабли душман». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.30 Москва Давлат филармонияси Академик симфоник оркестри чалади. 13.15 «Ён дафтар». 13.20 «Бридж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Ташвишли якшанба». Бадиий фильм («Мосфильм»). 15.50 Концерт. 16.20 Ҳужжатли фильм. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Инсон ва қонун». 18.15 «Олтин туфлича сири». Мультфильм. 18.25 «Леннеберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Катхультада байрам». 18.50 «ВИД» таништиради. «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Телефильм 20.40 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Музобоз», «Ҳа!», «ШОУ-биржа», «Россияда блюз». Танаффус пайтида— 22.00. Янгиликлар. 00.30 Футбол. МДҲ чемпионати. Ярим финал. «Локомотив» (Москва) — «Спартак» (Москва). 01.20 «Суврат». Телевизион бадиий фильм. «Деррик» туркумидан (Германия).

18, шанба

ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Чипполино». Бадиий фильм. 10.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.50 «Дўстлик тароналари». Фолклор дасталарининг жумҳурият фестивали ҳақида. 11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 11.40 «Оналар мактаби». 12.10 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 13.10 «Паррандачилик — етти хазинанинг бири». 13.00 Ш. Пардаев. «Осмонсиз уй». Сурхондарё вилоят театрининг спектакли. 15.00 Тижорат канали: «Баҳор нафаси». 15.35 «Замандас» (қозоқ тилида).

18.00 «Мужиккинг ҳўрози бўлган экан». Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Тижорат хабарлари. 21.05 «Рақс санъати усталари». Халқ артисти Қундуз Миркаримова. Виде

ГУРУНГ

● Инсон ўз ақли, хулқи ва меҳнати ила ардоқли

● Фазога инсон учган кунда яхши ният

● Буюк соҳибқирон хотираси авлодлар тилида, дилида

Мерос

Абу Райҳон Беруний

ТАРВИҲАЛАР

(«ЖАВОҲИР КИТОБИ»ДАН)

Абу Райҳон Беруний (973 — 1048) таълифлари ичида «Жавоҳир китоби» деган асари бор. Муаллиф уни «Итоб ал-жамоҳир фи маърифат ал—жавоҳир» («Жавоҳирни билиш учун тўплам китоби») деб атаган. Ишлатилишида қулай, енгил бўлсин учун китоб номини ихчамлаштириб, «Жавоҳир китоби» деб атаб қўя қолдик.

Абу Райҳон Беруний бу китобни умрининг сўнгги йилларида, мусулмон шарқида илмий тил ҳисобланган араб тилида ёзган эди. Аммо бу асар илмий бўлишидан қатъи назар оммабоп, ўқишли ҳамдир. Унда кўпдан-кўп ибратомуз нақллар, ҳикоялар келтирилади.

Беруний «Жавоҳир китоби» муқаддимасида «Тарвиҳа» номи билан йигирмага яқин лавҳалар келтиради. Биз уларнинг ҳар бирини бошқасидан «юлдузча»лар билан ажратиб қўйдик. Бу тарвиҳаларнинг ҳар бирида аллома Беруний замонасида кўрган ҳаёт тарзи, тарихда бўлган турли-туман воқеалар ва уларга доир мушоҳадалари ўз аксини топган, улар ҳақида мулоҳазалар битилган.

«Тарвиҳа» (унинг кўплиги — тарових) сўзи асли арабча бўлиб, унинг феъл маъноси юракнинг ҳузур қилиши, енгил тортиши, одамнинг ҳушига ёқиши, роҳат топиши деган маъноларга тўғри келади. Гўёки биз роҳат, ҳаловат деган сўзларни худди бир адабий жанр сифатида ишлатаётганимиздай. Бу келтирганларимизни жанр сифатида ишлатсак, дастлаб ажабланишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Аммо тарихда бу тарзда турли-туман адабий жанрлар кўп бўлган. Масалан, ҳозир оммавий жанрлардан бири бўлган ҳикоя ҳам шундай, асли арабча бўлган бу сўзнинг маъноси ўхшатма, ўхшатиш, тақлид қилиш, деган маънога боради.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишига қараганда, тарвиҳа бир адабий жанр бўлганга ўхшайди. Бизда ҳозирги замонда очерк, лавҳа, бўлган воқеа, деб ишлатиладиган жанрга ўхшаб, ўрта асрларда тарвиҳа ҳам қўлланганга ўхшайди. Беруний асари муқаддимасида тарвиҳаларни келтириш шундан гувоҳлик беради.

Қуйида Беруний тарвиҳаларидан намуналар ўқийсиз.

Уларни арабчадан Абдусодиқ Ирисов таржима қилган.

1.

Бисмиллоҳир Раҳмонир роҳим

Табиатда барча нарсалар ўсишга мойилдирлар, уларга кўпайиш ҳоҳ керак бўлсин, ҳоҳ керак бўлмасин, барибир, улар ўсишга интилаверадилар.

Ўсиш эса (ғизоланиш) озиқланиш туфайли юз беради. Шундай қилиндики, ўсимлик ўзида ушлаб турадиган озгина ғизо (озиқ) билан кифояланади, ғизо дарров ҳазм бўлмаслиги туфайли шу билан (бирмунча вақт) қаноат ҳосил қилиб, ўз жойида жилмай туради. Озиғи эса бу орада ҳар томондан келиб туради. Ўсимлик бу озиқни то озиқни илдизи намликни тортгандек, нозик томирлари орқали тортиб олади, қуёш ҳарорати сабабли ҳаво иссиқлиги ўсимлик шохларидан рутубатларни кўтаради. Шунда ўсимликнинг илдизларида бўлган барча нарса шохларининг юқори тарафларига тортилади ва шу билан ўсади. Кейин эса озиқ аслида нима учун яратилган бўлса, ўшанга ўтиб, япроқ, гул ва мева шаклига айланади.

2.

Ҳайвонда эса ейилган ғизонинг ҳазм бўлиши тез фурсатда амалга ошади, (ўсимлик) ғизоси ўзи кўкарган жойига боғлиқ бўлса, (ҳайвон ғизоси) ундан ажралган ҳолда бўлади, чунки бир ерда қўним бўлиб турганда тортган озиғи тўйишига кифоя қилмайди. Ҳайвонларда доимо (ғизони) бўлиб-бўлиб, тишлари билан ғажиб ейиш эҳтиёжи туғилади. Шунинг учун ҳам ҳайвонлар ҳаракат аъзолари билан ер юзидан ўзига овқат қидириб юра оладиган қилинди; унга таъсир қиладиган нарсаларнинг унга мос келадиғи-йўқми, буни сезиш-учун унга беш сезги аъзолари инъом қилинди. Булар — кўз, қулоқ, ҳидлаш, таъм билиш ва тегиб билишдир.

Гарчи ҳайвонларда сезги бирор-нарсани тутиш ва эҳтиёткорлик қилиш учун ойқоқчи қилиб яратилган бўлса-да, албатта инсон нави барча ҳайвонлардан устундир. Чунки, у ўзининг ақл-қуввати билан шарафлидир. Ҳатто инсон шу ақл-қуввати борлиги туфайлигина иззат-икром қилинди ва ерда ободончилик қилишга, сиёсат ўрнатишга ўринбосар қилинди.* Шунинг учун ҳайвон истар-истамас инсонга итоат этдирилди. Натижада у инсон манфаатлари учун кеча-кундуз бўйсуниб, хизматини қиладиган бўлди.

3.

Агар шундай бўлмаганда эди, инсон ҳайвонларнинг энг ожизига ҳам қарши келолмасди. Ҳайвонларда бор бўлган мудофаа қилиш ва урушиш қуролларидан инсон маҳрум. Бошқа маҳлуқлар орасидан фақат инсон ўша совға — ақл-идрок билан иззат-икром этилди. У ўлганидан кейин эса ўз қилмишига яраша улуш ва мукофот билан тақдирланади (ёки жазоланади). Чунки севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни бировга сарф қилиш билан эришилади. Шундай бўлгач, инсоннинг ҳисларидан иккитаси ажратиб олинди. Бу қулоқ ва кўз бўлиб, буларнинг иккаласи сезиладиган нарса маъқулотга ўтишда бир нарвон хизматини ўтайди.

— Кўз кўришга келсак, маҳлуқотдаги ҳикмат изларини кузатиб, ундан хулоса чиқариш ва яратилган нарсаларнинг Яратувчиси ҳақида бир фикрга келиш учун хизмат қилади.

Эшитишга келсак, қулоқ тангри сўзи ва унинг қилгин ва қилмагин деган амр ва қайтариқларини эшитиш учундир. Сўнгра қулоқ бунга қаттиқ бўйсиниб, худога яқинлашиш ва чинакам заминликка етишиш учун яратилган. Бу нарса донолардан ҳам, авомлардан ҳам яширин эмас.

*.Бу фикр Қуръони мажидда ва тафсирларда изоҳланган. Яъни, Ҳақ таоло самодаги минг-минг фаришталари, малаклар орасидан бирини эмас, балки жисмига илоҳий руҳ бахш этган Инсонни бу дунёда ўзига халифа-ўринбосар деб эълон қилди. Фаришталарни — Инсонга—Одам атога сажда қилдирди. Одам атога сажда қилишдан бош тортган Шайтонни эса Иблис деб, лаънатга гирифтор этди. Бунинг маъноси шуки, Аллоҳ инсонга барча мавжудот орасида жуда улуғ, олий вазифалар, гўзал ишларни юклади.

(Давоми бор).

● ФАЗОГИРЛАР БАЙРАМИ

УМИД

1961 йилнинг 12 апрели. Шу куни Ер юзи бўйлаб ёқимли хушхабар тарқалди. Фуқаро Юрий Гагарин «Восток»да Ер атрофини айланиб учди.

Янги давр, янги саҳифа бошланди.

Ўша баҳор кезларидаги одамлар юзидаги табассумнинг ўзи олам-олам эди. Бу воқеа ҳар биримизни янги-янги марраларга ундарди.

Кейин...

Кейинчалик Г. Титов, А. Николаев, П. Попович, В. Терешкова, В. Комаров, К. Феоктистов, Б. Егоров, П. Беляев...

А. Леонов илк бор очиқ фазога чиқди.

Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам фазо забт этила бошланди. Илм-фаннинг янги саҳифалари, қирралари очилди.

Энди эса фазогирлар бир соатгина эмас; бир йилга яқин осмон оламида парвоз қилмоқдалар. Уларнинг парвози оддий кунларга айланиб қолди.

Фазогирлар ютуқлари илмий-тадқиқотлар ва халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Алоқа йўлдошлари, метерологик йўлдошлар ва бошқа амалий мақсадларда қўл келаётир. Қазилма бойликларни қидириш, қор қатламининг ҳаракатини кузатиб бориш, дала ишларини кузатиш, ҳосилдорликни олдиндан аниқлаш, ўрмонларда юз берган ёнғинларни қайд этишда ернинг сунъий йўлдошлари кенг қўлланилмоқда.

Биз Космонавтика кунини нишонлар эканмиз, унинг парвозига муносиб ҳисса қўшган олимларимиз, шифокорларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Неча олимларимиз умрларини шу соҳага бағишладилар. Бугун ана шундай осмонга парвоз қилувчилар орасида ўзбек ўғлони С. Шарипов борлиги, айниқса, қувонарли.

Аждодларимизнинг мероси бой. Улар бундан 5—10 аср олдиноқ осмон оламини, юлдузлар туркумини иштиёқ билан текширишган. Аллломаларнинг қарашлари бугунги кун муаммоларига мос келаётир.

Демак, мустақил республикамиз ўғлонлари орасидан яқин йилларда фазогирлар етишиб чиқади. Шундай кун яқин!

М. ПИРМАТОВ.



Суратларда: юқорида биринчи фазогир Ю. Гагарин ва пастда ҳамюртимиз В. Жонибеков ёш космонавтлар тўгараги қатнашчилари орасида.

● СПОРТ

ҚУШ ҒАЛАБА

● СУРХОНДАРЕда Ҳайит Хўжақулов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий шахмат мусобақаси тобора оммавийлашиб бормоқда.

Хўжақулов Қумқўрғондаги 1-ўрта мактабда узоқ йиллар директор бўлиб хизмат қилди. У иқтидорли раҳбар бўлиши билан бирга ишқибоз шахматчи сифатида ҳам этибор топган эди. Жумладан, бир неча бор вилоят чемпиони номига сазовор бўлган. Дунёда яхшилик қолади, деганларидек, унинг номи абадийлаштирилган. Ўзи меҳнат қилган мактабга унинг номи берилган. Шахмат бўйича хотира мусобақасини ўтказиб келинаётганидан кўпчилик мамнун. Айниқса, бу йилги мусобақа қизиқарли ўтди. Тўрт райондан тўпланган 32 шахматчи ўзаро дона сурди. Қумқўрғондаги Москва жамоа хўжалигининг ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Содиқ Суюнов ғалаба қозонди. Мусобақа ҳомийлари томонидан тайёрланган эсдалик совғалари ва моддий ёрдам ғолибга тантанали топширилди. Бу ютуқ Суюновнинг иккинчи ғалабасидир. У бир неча кун илгари Наврўзга бағишланган мусобақада ҳам бош совринни қўлга киритган эди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Республикамизда Амир Темур таваллуди куни кенг нишонланди

КЕШНИНГ ФАХРИ

Буюк саркарда ва давлат арбоби, маърифатпарвар ва мутафаккир Амир Темур таваллудининг 656 йиллиги улуғ соҳибқирон туғилган Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да ҳам муносиб нишонланди.

Шаҳрисабз шаҳар Кенгашининг ташаббуси билан уюштирилган илмий анжуман ҳақиқий байрам руҳи билан ўтди. Шаҳарга жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан, вилоятлардан, пойтахт—Тошкент ва Темургга қадрдон Самарқанддан меҳмонлар келишди. Улар орасида таниқли темуршунослар, академиклар, тарихчилар, шарқшунослар, ёзувчилар бор эди.

Меҳмонлар Жаҳонгир туғилган куни эрталаб унинг номи билан аталувчи боғга кўчатлар ўтказишди. Амир Темур хотирасига бағишлаб тайёрланаётган ёдгорлик пойига ғишт қўйдилар. Сўнг шаҳрисабзлик ижодкорларнинг соҳибқирон ва унинг қутлуғ қадами теккан масканларни тасвирлаган кўргазмаси билан танишдилар. Меҳмонларда, айниқса, рассомлар Марс Жабборов ва Сайдулла Файзуллаев мўйқаламига мансуб асарлар илиқ таассурот қолдирди. Кўргазмага Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ҳам қўйилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шаҳрисабз шаҳар Кенгашининг мажлислар залида очилган илмий анжуман Амир Темур руҳига тиловат қилиш билан бошланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Асқаров, филология фанлари докторлари — А. Ҳайитметов, М. Холбеков, тарих фанлари докторлари — А. Ўринбоев, А. Аҳмедов, арабшунос олим, «Амир Темур тарихи» китобининг таржимони У. Уватов, «Улуғ Темур» романининг муаллифи Евгений Березиков ва бошқалар сўзга чиқиб, Кешнинг фахрли фарзанди Амир Темурнинг тарихда, маданиятимизда, миллатимиз равнақида тутган бетакрор ўрни, унинг ҳаётини ўрганишдаги янгиликлар ва муаммолар, темуршуносликнинг долзарб вазифалари ҳақида гапирдилар.

Илмий анжуманни бошқариб бораётган Шаҳрисабз шаҳар Кенгашининг раиси Фазлиддин Ҳотамов Амир Темур жамғармасига соҳибқирон таваллуд топган кунда пул ўтказган олижаноб кишиларни эълон қилганида, бу хабарни зал гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Масалан, Шохўжа Муртазо ўғли йигирма минг сўм, Тошкент Шарқшунослик институтининг доценти Муборак Тошқўзиева бир ойлигини, ёзувчи Евгений Березиков эса, «Амир Темур» романининг қалам ҳақини жамғармага ҳадя қилди.

Илмий анжуман қатнашчилари Амир Темур таваллудининг 656 йиллиги муносабати билан жумҳурият аҳолисига мурожаатнома қабул қилдилар.

Кеча охирида маҳаллий режиссёр Элмурод Боймуродов раҳбарлигида тайёрланган «Темур салтанатида базм» деб номланган театрлаштирилган дастур намойиш этилди.

Ю. БЕРДИЕВ.

● Сўраган экансиз...

ЯНА НАФАҚА ХУСУСИДА

«Ҳурматли таҳририят! Мен давлат хўжалигида ишлаб пенсияга чиққанман. Умумий иш стажим 49 йил. 132 сўм нафақа олардим. Илгари 70 сўм олганларнинг нафақаси беш баробар оширилиб 350 сўмга етказилди. Фикримча, меники ҳам беш баробар ошиши керак эди. Аммо ундай бўлмади. Шу тўғрими?

Қ. ТОШМАТОВ,
Бўка райони».

Таҳририят муштарий саволига жавоб бериш учун мактубни ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИГА жўнатиб, у ердан қуйидаги тушунтиришни олди:

— Маълум қиламизки, 1992 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг Фармонига асосан энг кам миқдордаги пенсиялар, яъни 70 сўм беш маротаба оширилиб, 350 сўм қилиб белланди. Ундан юқори миқдорларда пенсия олиб келаётган кишиларнинг пенсияси эса 350 сўмга етказилди. Эндиликда иш ҳақига нисбатан ҳисоблаб чиқарилган пенсия миқдори 350 сўмга етмаса ҳам 350 сўм миқдорида пенсия тайинланадиган бўлди.

Ҳозирги қонунга асосан пенсиялар ўртача бир ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида аниқланиб, 20—25 йилдан ортиқ ишланган ҳар бир йил учун иш ҳақининг бир фоизи миқдорида оширилади. Бунда пенсия миқдори иш ҳақининг 75 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Яқинда жумҳуриятимиз бозор иқтисодиётига ўтиши ва эркин нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан меҳнаткашларни ва пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида энг паст пенсия миқдори 550 сўмга етказилди.

1991 йил 1 январдан бошлаб пенсионерлар ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти билан муддатли шартнома тузиб ишласалар, пенсиялар иш ҳақидан қатъий назар тўлиқ миқдорда тўланади.

РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Ривоят қилинишича, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг падари бузруквори Тарағой ажиб туш кўрган. Тушида нуроний бир отахон унга қилич ҳадя этган экан. Қилични у юқорида қолдириб, тўрт томонни кузатаётганида, кутилмаганда қилич юзидан таралган нурдан олам ёришиб кетибди. Тушнинг таъбирини қуйидагича тавсиф этганлар: бир ўғил туғилажак ва у ислому имон учун нафли катта ишларни амалга оширажаги башорат қилинган экан. Тўғри, ҳалол, пок, билимдон, донишманд, айни пайтда, жасур ва дадил буюк саркарданинг дунё юзини кўргани ҳақида бундан бошқа яна кўпгина ҳикоятларни келтириш мумкин.

Маънавий меросимиз ва қадриятларимизнинг ўзига хос тимсоли бўлган жаҳонгир Амир Темур номини шу кунларда кенг жамоатчилик фахр билан ёдга олмоқда. Бинобарин, улуғ зот таваллуд топган кунга 656 йил тўлиши муносабати билан ўзига хос байрам бўлиб ўтди. Чунончи, ўтган куни Ҳамза номидаги Академик драма театри биноси яна бир бор гавжумлашди. Карнай-сурнайлар Амир Темур байрамига, маъракаошига одамларни чорлаб турди. Бу ерга йиғилган таниқли шоир ва ёзувчилар, олим ва жамоат арбоблари, сўз усталари ва санъаткору ҳофизлар буюк соҳибқиронинг руҳини шод этиш учун тўпландилар. Бобокалонимизнинг руҳига бағишлаб Қуръони каримдан оятлар ўқилди. Одамлар зўр ифтихор ва меҳр билан фотиҳа қўл очишди.

Бундай савобли тадбирни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси адиблар иттифоқи, «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Билим» жамияти, «Очун» ижодий уюшмаси ва Ҳамза театри жамоаси ташаббус кўрсатди ва ҳомийлик қилди. Катта маъракадан кейин театр саҳнасида «Соҳибқирон Темур» спектаклидан парчалар намойиш этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, иқтидорли режиссёр Карим Йўлдошев талқинига мансуб янги спектакль томошабинларга ажойиб туҳфа бўлиш арафасида турипти. Спектаклга инглиз драматурги, Шекспирнинг устози Кристофер Марлоннинг «Буюк Темурланг» фожиаси асос қилиб олинган бўлса-да, соҳибқироннинг кўпқиррали сиймо сифатидаги улуғ шахсини бутунлай янгича қарашлар билан бойитишга жазм этилган.

Бобокалонимиз: кимники ҳузуримга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, ҳолига яраша ҳурматлаб, совға-инъомлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимда паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам кечирсинлар. Иккинчи, учинчи яна гуноҳ қилгудек бўлса, у чоғда гуноҳига яраша жазоласинлар, деб ўргатар эканлар. Шу боис, у кишини дунёга босқинчи, ёвуз, деб ҳар солганлар соҳибқироннинг бундай адолатпеша хислатларидан кўр-кўрона кўз юмишгани яққол аён бўлиб қолади.

Шоҳруҳ султон Самарқанд тахтига ўтиргач, Амир Темурнинг Кўксарой ва шоҳлар аркида яширилган хазинасига кирди. Лекин аблаҳлар димоғи ақлдан, жоҳиллар қалби билимдан ҳоли бўлганидай, Шоҳруҳ ҳам ўша хазинани ганждан ҳоли топди. Хоналардан бирига кирганида хассасининг учи бир дирҳамга тегди, олиб чангини артди ва кўзларига суриб, ҳамёнига солди. Сўнг мулозимларига қараб деди:

— «Биз шу дирҳам ҳақи отамиздан қолган хазина ва меросидан баҳраманд бўлдик». Бу ҳикоятда отанинг болага, боланинг отага нисбатан меҳр чашмаси яққол кўзга ташланади. Айни пайтда биз — буюк соҳибқирон ворислари ҳам истиқлол нафаси уфураётган айни кунларда маънавий бой меросимиздан баҳраманд бўлиб турибмиз. Негаки, шоир айтганидек, Темурнинг ҳеч ўчмас изи қолибди; боғи, иморати, сўзи қолибди.

М. АНВАРОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририятининг жамоаси рўзнома ходими Зоҳиржон Ҳайдаровга турмуш ўртоғи

Шоҳидахон Маратжон қизи ҲАЙДАРОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпаварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 73.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.